
ҲАВАСКОРЛАР БЕЛЛАШДИ

Ёшлар ишлари агентлиги ташаббуси билан 13-мактабнинг спорт залида уй бекалари ўртасида “Спорт маликалари” спорт ҳафталиги ҳамда оилавий жамоалар ўртасида “Соғлом оила-Янги Ўзбекистон таянчи” шиори остида стол тенниси бўйича мусобоқа ўтказилди. мусобоқада тўртта сектор ҳудудидан вакиллар қатнашиб, ғолиблик учун астойдил баҳслашдилар.

“Спорт маликалари” йўналиши бўйича Сарвиноз Турдалиева, “Соғлом оила” йўналишида тўртинчи сектор вакили Хосиятхон Умаровалар оиласи, яқкалик баҳсларида Мадинахон Рустамзода ғолибликни қўлга киритдилар ва ташкилотчиларнинг эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Аҳмаджон РАҲМОНҚУЛОВ.

Ёзёвон тумани ҳокимлиги ахборот хизмати.

2023-02-28 18:09:53